



## Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиганларида икки қўлларининг орасини шундай очардиларки, ҳатто қўлтиқларининг оқи кўринар эди

Абдуллоҳ ибн Молик ибн Бухайна разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиганларида икки қўлларининг орасини шундай очардиларки, ҳатто қўлтиқларининг оқи кўринар эди».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сажда қилганларида икки қўлларини (ёнларидан) узоқлаштирар эдилар. Сажда асносида ҳар бир қўлларини ўзига яқин бўлган ён тарафдан худди икки қанот каби четга сурардилар, ҳатто қўлтиқлари терисининг ранги (оқлиги) кўриниб турарди. Бу — икки билакни икки ёндан узоқлаштириш ва кенг очишда жиддий ҳаракат қилиш (муболаға) маъносини англатади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3220>

